



Куръони Каримни хатм килиш бевосита илохий топширик асосида жорий килинган бўлиб, Расули Акрам (соллаллоху алайхи васаллам)нинг даврларида, у Зотнинг шахсий амаллари асосида йўлга қўйилган. Вахий фариштаси Жаброил алайхиссалом ҳар Рамазон ойида Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га Куръондан айна пайтгача нозил бўлган сураларни тўлик ўтказдиран эди. Имом Бухорий «Куръон фазилатлари китоби»да Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан куйдагича ривоят қилади: «Набий (соллаллоху алайхи васаллам) одамларнинг энг сахийси эдилар. У Зотнинг энг кўп сахийликлари Рамазон ойида бўлар эди, чунки Жаброил Рамазон ойида то у чиқиб кетгунча ҳар кеча Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) билан учрашар, у Зот унга Куръонни ўтказар эдилар. Жаброил (алайхиссалом) у Зот билан учрашганда, эсан шамолдан ҳам саховатли бўлиб кетар эдилар». Хадис таржимасида «ўтказиш» деб ўғирилган жумла араб тилида «муъаародотун» дейилади. Бу бир-бирига ўқиб бериш, ўқиб ўтказиш деганидир. Бунда икки тарафнинг бир нарсани навбатма-навбат тўлик ўқиши, бири ўқиганда, иккинчиси эшитиб, кузатиб туриши тушунилади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) вафот этадиган йиллари Рамазон ойида Куръон деярли тугал бўлиб қолган эди ва шу боис Жаброил (алайхиссалом) Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га икки марта хатм қилдирган эди. Ушбу сўнгги хатмга айрим саҳобалар гувоҳ ҳам бўлишган. Имом Бухорий Фотима (розияллоху анҳо)дан куйдагича ривоят қилади: «Набий (соллаллоху алайхи васаллам) менга: «Жаброил менга Куръонни ҳар йили бир марта ўтказдиран эди, бу йил икки марта ўтказдирди. Буни ажалим келиб қолганидан бошқа эмас деб ўйлайман», деб пичирладилар». Демак, Куръонни хатм қилиш намоз, рўза, ҳаж ва бошқа диний амаллар каби бевосита илохий кўрсатма асосида, намунаси Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг шахсларида кўрсатилган ҳолда шариатда жорий қилинган амал экан. Аллох таоло Куръонни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг қалбларида жамлашни ва тилларида қироат қилдиришни Ўз зиммасига

олган бўлсада, вахий фариштасини юбориб, унинг Расули Ақрам (алайхиссалом)га ҳар Рамазонда хатм килдириши хатми Куръон килишнинг ахамияти қанчалар юксак эканини кўрсатади. Куръони Қаримни илк бор қабул қилиб олиб, уни бутун вужудига сингдира билган дастлабки мусулмон авлод – саҳобаи қиромлар ушбу ҳақиқатни яхши англаб етдилар ва илохий намуна бўлмиш Куръонни хатм қилиш ишини ҳам жуда гўзал тарзда амалга оширдилар. Хатто айримлари Куръонни ҳар куни бир марта тўлиқ ўқишни одат қилиб олган эди. Аммо ҳар ишда мўътадилликни шиор қилиб тутган Расулимиз (алайхиссалом) бу борада ҳам меъёрни ушлашни буюрдилар.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид